

## XI. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

### Транспортнинг барча турлари бўйича юк ташиш



### Транспортнинг барча турлари бўйича йўловчилар ташиш



**Жами - 1 368,2 млн. йўловчи**  
ўсиш суръати 103,2 %

Битта йўловчи ташишнинг ўртача масофаси 22,6 километрни ташкил қилди

### Алоқа ва коммуникация соҳаси

#### Алоқа хизматлари таркиби



● Мобиль алоқа  
● Бошқа алоқа турлари

#### Аҳолининг мобиль алоқа билан таъминланганлиги



Ҳозирги кунда Ўзбекистон улкан транспорт салоҳиятига эга бўлиб, мавжуд йўналишларда транспортнинг барча турларида юклар ва йўловчиларни ташишда мамлакатнинг эҳтиёжларини қондириш учун имкониятларга эга.

2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра транспорт соҳасида қарийб 15 765 та корхона ва ташкилотлар жалб қилинган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан уларнинг сони 1 741 бирликка кўпайди, ўсиш 12,4 % ни ташкил этди.



2020 йилнинг январь-март ойларида янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони 660 бирликни ташкил этди. 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан бу кўрсаткич 219 бирликка кам бўлиб, унинг даражаси эса 24,9 % га пасайди.

2020 йилнинг январь-март ойларида транспортнинг барча турлари томонидан 268,0 млн. тонна юклар ташилди, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 105,1 % ни ташкил этди. Шу билан бирга, юк айланмаси 16,8 млрд. т-кмни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 0,6 % га юқори бўлди.

#### Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси

	2020 йил январь-март	2019 йил январь- мартга нисбатан, % да
<b>Транспортда ташилган юклар, млн. т</b>	<b>268,0</b>	<b>105,1</b>
темир йўл транспорти	17,1	100,9
автомобиль транспорти	232,3	105,8
ҳаво транспорти, минг т	1,2	64,5
кувур транспорти	18,6	99,8

давоми


	2020 йил январь-март	2019 йил январь- мартга нисбатан, % да
<b>Транспорт юк айланмаси, млн. т-км</b>	<b>16 836,0</b>	<b>100,6</b>
темир йўл транспорти	5 500,5	102,1
автомобиль транспорти	2 917,4	104,8
ҳаво транспорти	20,3	94,6
қувур транспорти	8 397,8	98,2

**Маълумот учун:** 2020 йил январь-март ойларида Қозоғистон корхона ва ташилотлари томонидан 843,9 млн. тонна юк ташилган.


Транспортнинг барча турларида юк ташиш бўйича автомобиль транспорти (232,3 млн. тонна) устунлик қилади. Қувур транспорти орқали 18,6 млн. тонна газ қуйилган, темир йўл транспорти орқали – 17,1 млн. тонна юк ташилди. Юк ташиш бўйича энг кичик кўрсаткич ҳаво транспортида – 1,2 минг тонна қайд этилди.

Умумий юк ташиш ҳажмида энг юқори улушни автомобиль транспорти – 86,6 % эгаллайди, бошқа транспорт турларида юк ташиш улуши 13,4 % га тўғри келади.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркиби, % да



Транспортнинг барча турларида юк ташиш ва юк айланмасининг ўсиш суръатларини таққосланиши, % да



2019 йилнинг мос даврига нисбатан жорий йилнинг январь-март ойларида ҳаво йўли (64,5 %) ва қувур йўли (99,8 %) транспортларининг юк ташиш ҳажми камайиши таъсирида жами юк ташишнинг ўсиш суръати 0,4 ф.п. га пасайди.


Жорий даврда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳаво йўли (94,6 %) ва қувур йўли (98,2 %) транспортларининг юк айланмаси ҳажмлари камайиши таъсирида жами юк айланмасининг ўсиш суръати 3,0 ф.п. га пасайиши кузатилди.

2020 йилнинг январь-март ойларида, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан транспортнинг барча турлари бўйича юк айланмаси ҳажми 94,4 млн. т-кмга ўсиш кузатилди. Бу асосан автомобиль транспорти ҳиссасига тўғри келди, уларнинг юк айланмаси ҳажми 134,6 млн. т-кмга ошди.

Жами юк ташиш айланмасида ҳаво транспортининг улуши нисбатан сезиларсиз (0,1 %) бўлиб, юк ташиш айланмаси ҳажми 20,3 млн. тонна-кмни ташкил этди, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 5,4 % га пасайиши кузатилди.

Шу билан бир қаторда, темир йўл транспорти юк айланмаси ҳажми 5 500,5 млн. т-кмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 114,4 млн. т-кмга ёки 2,1 % га ўсиш кузатилди.

Транспорт турлари бўйича юк айланмаси, млн. т-км



**Маълумот учун:** Ўзбекистон Республикаси 2019 йилда Хитой-Қозоғистон-Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон, шунингдек, Хитой-Қозоғистон-Ўзбекистон-Афғонистон йўналишлари бўйича тўғридан-тўғри контейнер поездларининг темир йўл орқали ташишида иштирок этди.

2020 йилнинг январь-март ойлари якунига кўра, автомобиль транспорти юк айланмаси ҳажми 2 917,4 млн.т-кмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 134,6 млн. т-кмга ёки 4,8 % га ошган.


Шунингдек, шу даврда қувур йўли транспорти юк айланмаси ҳажми 8 397,8 млн. т-км белгиланди, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 153,4 млн. т-кмга ёки 1,8 % га камайиш кузатилди.

2020 йил январь-март ойларида умумий юк айланмаси ҳажмида энг юқори улуш қувур транспортига – 49,9 % га тўғри келди. Шу жумладан темир йўл транспорти улуши – 32,7 %, автомобиль транспорти – 17,3 % ва ҳаво транспорти – 0,1 % ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича юк айланмаси, млн. т-км



Транспорт турлари бўйича юк айланмаси таркиби, % да



Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан жами юк айланмаси умумий ҳажмидаги транспортнинг баъзи турлари улушларида ўзгариш кузатилмоқда. Булардан автомобиль транспорти – 0,7 % га, темир йўл транспорти 0,5 % га кўтарилиб, қувур транспорти эса – 1,2 % га пасайди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш  
ва йўловчи айланмаси


	2020 йил январь-март	2019 йил январь- мартга нисбатан, % да
<b>Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши</b>	<b>1 368,2</b>	<b>103,2</b>
темир йўл транспорти	4,2	81,0
автомобиль транспорти	1 343,4	103,3
ҳаво транспорти	0,6	83,4
шаҳар электр транспорти	20,0	102,8
<i>шундан:</i>		
метрополитен	19,3	106,0
трамвай	0,5	48,5
троллейбус	0,2	99,8
<b>Транспорт йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км</b>	<b>30 988,2</b>	<b>100,6</b>
темир йўл транспорти	946,0	92,3
автомобиль транспорти	27 939,2	102,5
ҳаво транспорти	1 956,1	82,4
шаҳар электр транспорти	146,9	102,3
<i>шундан:</i>		
метрополитен	140,8	106,0
трамвай	1,9	28,3
троллейбус	4,2	99,8

*Маълумот учун: Қозоғистонда йўловчилар ташиши кўрсаткичи 5 386,6 млн. йўловчига тенг бўлди.*

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш таркибида автомобиль транспорти етакчилик қилмоқда. Унинг жами йўловчи ташиш ҳажмидаги улуши – 98,2 % ни ташкил этади.




Транспорт турлари бўйича  
йўловчи ташиш таркиби, % да



Транспортнинг барча турлари бўйича йўловчи ташиш 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 3,2 % га ошиб, 1 368,2 млн. кишини ташкил этди. Йўловчи айланмаси 31,0 млрд. йўловчи-кмга етиб, 0,6 % га ўсди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи айланмасининг  
ўсиш суръатлари, % да




Йўловчи айланмаси бўйича нисбатан юқори ўсиш суръатлари автомобиль транспортида – 102,5 % ва электр транспортида – 102,3 % кузатилди.

### Темир йўл транспорти

2020 йил январь-март ойларида магистрал темир йўл транспорти орқали 17,1 млн. тонна юк ташилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 100,9 % ни ташкил этди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан темир йўл транспорти юк айланмаси 114,4 млн. тонна-кмга ошиб, 5 500,5 млн. тонна-кмга етди. Шу билан бирга, йўловчи айланмаси 78,4 млн. йўловчи-кмга камайиб, 946,0 млн. йўловчи-кмни ташкил этди.

### Темир йўл транспортининг юк ва йўловчи айланмасини таққосланиши



**Таққослаш учун:** 2019 йилнинг январь-март ойлари якунига кўра, темир йўл транспорти юк айланмаси ўсиш суръати 97,8 %, йўловчи айланмаси ўсиш суръати 100,8 % га тенг бўлган.

Темир йўл транспорти орқали ўртача бир кунда юкларни жўнатиш 187,8 минг тоннани ташкил этди ёки 2019 йилга нисбатан 0,9 % га ошди. Бир тонна юк жўнатишнинг ўртача масофаси 321,8 кмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даври даражасидан 1,2 % га ўсиши кузатилди.



**Магистрал темир йўл транспортида ортилган  
асосий турдаги юклар кўрсаткичи**  
(2020 йил январь-март ойлари учун)

	<i>Ҳажми, минг тонна</i>	<i>Жами ҳажмга нисбатан улуши, % да</i>	<i>2019 йил январь-мартга нисбатан, % да</i>
<b>Юклар – жами</b>	<b>17 093,6</b>	<b>100,0</b>	<b>100,9</b>
<i>шундан:</i>			
кўмир	1 229,4	7,2	110,4
нефть юклари	1 550,6	9,1	107,1
турли рудалар	1 598,1	9,3	120,4
қора металл	255,1	1,5	89,1
қора металл парчалари	188,3	1,1	88,7
кимёвий ва минерал ўғитлар	976,4	5,7	93,9
қурилиш юклари	988,1	5,8	81,3
цемент	1 113,0	6,5	95,4
ёғоч юклари	19,4	0,1	259,0
пахта толаси	36,1	0,2	36,6
дон ва ёрмалар	385,5	2,3	121,8
картошка, полиз маҳсулотлари ва ҳўл мевалар	50,4	0,3	97,2
бошқа юклар	8 703,2	50,9	100,6

2020 йилнинг январь-март ойларида умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти орқали ташилган юк турларининг 2019 йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари ёғоч юклари (259,0 %), дон ва ёрмалар (121,8 %), турли рудалар (120,4 %), кўмир (110,4 %) ва нефть юкларида (107,1 %) кузатилди. Шу жумладан, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан кўрилганда пахта толаси (36,6 %), қурилиш юклари (81,3 %), қора металл парчалари (88,7 %), қора металл (89,0 %), кимёвий ва минерал ўғитлар (93,9 %), цемент (95,4 %), картошка, полиз маҳсулотлари ва ҳўл мевалар (97,2 %) камроқ жўнатилгани кузатилди.

Темир йўли транспортида ташилган жами юк ҳажмида энг юқори улуш турли рудалар (9,3 %), нефть юклари (9,1 %), кўмир (7,2 %), цемент (6,5 %), қурилиш юклари (5,8 %), кимёвий ва минерал ўғитлар (5,7 %), бошқа юкларга (50,9 %) тўғри келади.

### Автомобиль транспорти

Автомобиль транспорти юк ва йўловчиларни ташишда муҳим аҳамиятга эгадир. Автомобиль транспорти юк айланмаси 134,6 млн. т-кмга ошиб, 2 917,4 млн. т-кмни ташкил этди ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 4,8 % га юқори бўлди.


#### Автомобиль транспортининг юк ва йўловчи айланмасини таққосланиши



**Таққослаш учун:** 2019 йилнинг январь-март ойларида, автомобиль транспорти юк айланмаси ўсиш суръати 104,1 % га, йўловчи айланмаси ўсиш суръати 102,1 % га тенг бўлган.

Автомобиль транспорти орқали 232,3 млн. тонна юк ташилиб, бу 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 5,8 % га кўпдир.

#### Январь-март ҳолатига автомобиль транспорти фаолиятининг асосий кўрсаткичларини таққосланиши



Ҳудудлар орасида йўловчи ташиш таркибининг катта қисмини Тошкент шаҳри эгаллайди. 2020 йил январь-март ойларида унинг улуши 21,7 % га тенг бўлди. Энг кичик кўрсаткич Сирдарё вилоятида қайд этилиб, 1,5 % ни ташкил этди.

Ҳудудлар бўйича автомобиль транспортида  
йўловчи ташиш таркиби, % да



Ҳаво транспорти орқали жўнатилган юклар 1,2 минг тоннани ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 35,5 % га пасайиши кузатилди. Юк айланмаси 5,4 % га камайиб, 20,3 млн. т-кмни ташкил этди.



Ҳаво транспортида 612,0 минг киши ташилиб, бу 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 16,6 % га камдир, шу жумладан, йўловчи айланмаси эса 17,6 % га пасайиб, 1 956,1 млн. йўловчи-кмни ташкил этди.

Ҳаво кемаларининг кечикмасдан мунтазам етиб келиши 2019 йил январь-март ойларидаги 78,2 % ўрнига 74,0 % ни ташкил этди, 655 авиапарвоз кечиктирилган, 767 та авиапарвоз бекор қилинган. Халқаро ташувларда ҳаво кемаларининг мунтазам етиб келиши 5,3 ф.п. га камайиб, 70,2 % ни ташкил этди (2019 йил январь-март ойларида – 75,5 %).


Ҳаво кемаларининг жами кечикиш вақти 396 самолёт-соатни ташкил этиб, 2019 йил январь-март ойларига нисбатан 73,2 % га камайган. Кечиктирилган парвозларнинг ўртача давомийлиги 47,0 % га камайиб, 37 минутни ташкил этди.

**Электр транспортида** 20 001,4 минг йўловчи ташилиб, 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан ўсиш суръати 102,8 % ни ташкил этган. Электр транспортининг йўловчи айланмаси 146,9 млн. йўловчи-кмни ташкил этган бўлиб, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,3 % га кўпдир.

Электр транспортида йўловчи ташиш (96,6 %) ва йўловчи айланмасида (95,9 %) энг юқори улуш метрополитен ҳиссасига тўғри келади.

Метрополитенда йўловчи ташиш ҳажми 19 317,5 минг йўловчини ташкил этиб, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6,0 % га ўсди. Йўловчи айланмаси эса 140,8 млн. йўловчи-кмга тўғри келди.

Электр транспортида йўловчи ташиш таркиби, % да  
(2020 йил январь-март ҳолатига)



2020 йилнинг январь-март ойлари якунига кўра, трамвайда бор йўғи 529,4 минг йўловчи ташилган, бу 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 51,5 % га камдир.

Трамвайнинг йўловчи айланмаси 1,9 млн. йўловчи-кмни ташкил этди. Электр транспортида йўловчи ташиш таркибида трамвайнинг улуши 2,6 % ни ташкил этди.


Шу билан бирга троллейбусда 154,5 минг йўловчи ташилиб, бу 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 0,2 % га камдир. Троллейбуснинг йўловчи айланмаси 4,2 млн. йўловчи-кмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 99,8 % ни ташкил этди. Шунингдек, электр транспортида йўловчи ташиш таркибида унинг улуши 0,8 % ни ташкил этади.

**Магистрал қувурлар** орқали 18,6 млн. тонна газ қуйилган, бу 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 0,2 % га камдир. Магистрал қувурларнинг юк айланмаси 1,8 % га камайди ва 8,4 млрд. т-кмни ташкил этди.

### Йўл-транспорт ҳодисалари

2020 йил январь-март ойларида йўл-транспорт ҳодисалари сони 1 229 бирликни ташкил этди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан мазкур кўрсаткич 99 бирликка камайган (-7,5 %).

#### Йўл-транспорти ҳодисалари сонини худудлар бўйича таққосланиши, бирлик



2019 йилнинг мос даврига нисбатан худудлар орасида йўл-транспорти ҳодисалари сонининг камайиши Қашқадарё (-35 бирлик), Фарғона (-25 бирлик), Наманган (-16 бирлик), Андижон (-13 бирлик) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (-16 бирлик) қайд этилди.

Жорий даврда йўл-транспорти ҳодисалари сонининг ўсиши қайд этилмади.

Шунингдек, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан йўл-транспорти ҳодисаларида жабр кўрганлар сони ҳам камаймоқда. 2020 йил январь-март ойларида жабр кўрганлар сони 1 116 кишини ташкил этиб, 109 кишига (-8,9 %) камайиши кузатилди.

Йўл-транспорти ходисаларида жабр кўрганлар сонини  
худудлар кесимида таққосланиши, киши

	2019 йил январь-март	2020 йил январь-март	Фарқи 2020-2019 й., (+,-)
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>1225</b>	<b>1116</b>	<b>-109</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	57	65	8
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	91	74	-17
Бухоро	37	30	-7
Жиззах	55	52	-3
Қашқадарё	121	88	-33
Навоий	31	39	8
Наманган	120	104	-16
Самарқанд	101	99	-2
Сурхондарё	62	62	0
Сирдарё	34	24	-10
Тошкент	145	161	16
Фарғона	115	81	-34
Хоразм	22	21	-1
Тошкент ш.	234	216	-18

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан худудлар бўйича энг паст кўрсаткичлар Қашқадарё (-33 киши), Фарғона (-34 киши), Андижон (-17 киши), Наманган (-16 киши) вилоятлари ва Тошкент шаҳрига (-18 киши) тўғри келади.

Йўл-транспорти ходисаларида жабр кўрганлар сонининг бироз даражада камайиши Хоразм (-1 киши), Самарқанд (-2 киши) ва Жиззах (-3 киши) вилоятларида қайд этилди.

2020 йил январь-март ойларида болалар иштирокида содир бўлган йўл-транспорти ҳодисалари 156 бирликни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 14 бирликка (-8,2 %) камайди.

Йўл-транспорти ҳодисаларида жабр кўрган болаларнинг умумий сони 130 кишини ташкил этди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 16 кишига (-11,0 %) камайди.



Содир бўлган йўл-транспорти ҳодисасида жабр кўрган болаларнинг умумий сонидан 1-7 ёшгача бўлган болалар улушига 29,2 %, 8-15 ёшгача бўлган болаларга 70,8 % тўғри келади.

2019 йил январь-март ойларига нисбатан йўл-транспорти ҳодисасида 1-7 ёшгача бўлган жабр кўрган болалар сони 8 кишига камайди ва 38 кишини ташкил этди. 2020 йил январь-март ойларида 8-15 ёшгача бўлган жабр кўрган болалар сони 8 кишига камайдигани қайд этилди. Ушбу ёшдаги жабр кўрган болаларнинг умумий сони 92 кишини ташкил этди.

#### Алоқа ва коммуникация соҳаси

2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, “Ахборот ва алоқа” иқтисодий фаолияти турида 8 277 та корхона ва ташкилотлар (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан уларнинг сони 14,3 % га кўпайган.

“Ахборот ва алоқа” иқтисодий фаолият турида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар умумий сонидан кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 96,6 % ни (7 995 бирлик) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан уларнинг сони 14,1 % га кўпайган.

1 апрель ҳолатига кўра “Ахборот ва алоқа” соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сонининг таққосланиши, бирлик (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



2020 йил январь-март ойларида алоқа хизматлари ҳажми 2 495,4 млрд. сўмга тенг бўлди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (амалдаги нархларда) 24,7 % га ўсди.

Мобиль алоқа хизматлари (Интернетни қўшган ҳолда) умумий алоқа хизматлари ҳажмида 57,6 % ни ташкил этди ва 1 437,6 млрд. сўмга, шу жумладан аҳолига кўрсатилгани 1 329,6 млрд. сўмга тенг бўлди.



2019 йилнинг мос даврига нисбатан (амалдаги нархларда) мобиль алоқа хизматлари 14,4 % га, шу жумладан аҳолига кўрсатилгани – 13,2 % га ўсди.

2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, мобиль алоқа билан таъминланган абонентлар сони 24 316,7 минг бирликни, шу жумладан аҳолида 23 371,3 минг бирликни ташкил этди. Аҳолининг мобиль алоқа билан таъминланганлиги ҳар 100 киши ҳисобига 69 бирликни ташкил этди.

2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, Интернет тармоғига уланиш хизматларини кўрсатиш учун рухсатномага эга хўжалик юритувчи субъектлар сони 456 бирликни, жамоавий уланиш пунктларининг умумий сони эса 267 бирликни ташкил этди.

2019 йил январь-декабрь ойлари билан таққослаганда халқаро ахборот узатиш каналларининг ўтказиш қобилияти 1200,0 Гбит/с даражасида қолди.



## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти** – аҳолини ва иқтисодиётни барча тармоқларининг йўловчилар, багажлар ва юклар, шу жумладан, почталарни автомобилларда ташишга бўлган эҳтиёжларини тижорат асосида таъминловчи транспорт.

**Автотранспорт воситалари** – йўловчилар, багажлар, юклар ташишга ҳамда махсус ишларни бажаришга мўлжалланган автомобиллар, шатакчи-автомобиллар, тиркама ва ярим тиркамалар.

**Мавжуд автотранспорт воситалари** – ташкилот балансида бўлган, техник ҳолатидан ва автомобилнинг жойлашган жойидан (таъмирлашда, хизмат сафарида, консервацияда, ижарада) қатъий назар, барча турдаги, маркадаги ва моделдаги автомобиллар сони.

**Автомобиль** – энергия манбаси орқали ҳаракатга келтириладиган, иккитадан кам бўлмаган ўқда жойлашган камида тўртта ғилдиракка эга бўлган, йўлларда ҳаракатланиш учун мўлжалланган ва йўловчилар, багажлар, юкларни ташиш ҳамда махсус ишларни бажариш учун фойдаланиладиган механик транспорт воситаси.

**Йўловчи автомобили** – ўзининг тузилиши ва жиҳозланиши жиҳатидан йўловчилар ва багажларни ташишга мўлжалланган, зарур қулайлик ва хавфсизлик билан таъминланган автомобиль.

**Юк автомобили** – юкларни ташишга мўлжалланган, қаттиқ рамали механик йўл транспорт воситаси; юк автотранспорт воситалари фойдаланиш характери ва конструктив хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда умумий ва ихтисослаштирилган воситаларга бўлинади.

**Автобус, микроавтобус** – йўловчиларни ташишга мўлжалланган ва ҳайдовчи ўрнини ҳисобга олмаганда саккизтадан ортиқ ўтириш ўриндигига эга бўлган, қаттиқ рамали механик йўл транспорт воситаси.

**Енгил автомобиль** – ҳайдовчи ўрнини ҳисобга олмаганда, сиғими саккиз кишигача бўлган йўловчи автомобили. Енгил автомобиллар сонига почта ташишга мўлжалланган, санитария ва бошқа махсус енгил автомобиллар қўшилмайди.

**Йўналишли такси** – йўловчилар талабига кўра тўхтаган ҳолда мунтазам йўналишларда йўловчилар ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаси (автобус ёки енгил автомобиль).

**Йўналишсиз такси** – таксометр (ҳисоблагич)нинг кўрсаткичи бўйича тўлов тўланадиган, йўловчилар буюртманомалари бўйича ташиш хизматлари кўрсатадиган автотранспорт воситаси.

**Пикап ва енгил фургон** – кузови енгил автомобиль шассисига мослаштирилган, юк кўтариш қобилияти юқори бўлмаган юк ва юк-йўловчи автомобиллари.

**Ташилган юклар (юк ташиш ҳажми)** – юк автомобилларида, шу жумладан автотиркамаларда, ташилган юклар миқдори ҳар бир қатнов учун юкнинг тара ёки контейнерлар оғирлигини ҳисобга олган ҳолдаги ҳақиқий оғирлиги бўйича аниқланади (тоннада ўлчанади). Ташилган юк ҳажмини автомобилнинг техник тавсифномасида кўрсатилган юк кўтариш қобилияти бўйича аниқлаш, фақатгина ташилган юкнинг ҳақиқий оғирлиги тўғрисидаги маълумотлар бўлмаган ҳоллардагина амалга оширилиши мумкин.

**Юк айланмаси** – транспортнинг юк ташиш бўйича иш ҳажми. Ўлчов бирлиги тонна-километр ҳисобланади. Транспортнинг юк айланмаси ташилаётган юкнинг ҳар бир жўнатмаси оғирлигини уни ташиш масофасига кўпайтмасининг йиғиндиси орқали аниқланади.

**Ташилган йўловчилар** – маълум вақт давомида автомобиль воситаларида турли қатнов турлари бўйича ташилган йўловчилар сони (статистик кузатув бирлиги бўлиб йўловчи-қатнови ҳисобланади).

**Йўловчи айланмаси** – транспортнинг йўловчи ташиш бўйича иш ҳажми. Ўлчов бирлиги йўловчи-километр ҳисобланади. Ҳар бир ташиш бўйича йўловчилар сонини ташиш масофасига кўпайтмасини йиғиндиси орқали аниқланади. Қатнов турлари ва бошқа белгилар бўйича алоҳида ҳисобланади.

**Ташиш масофаси** – объектни жўнатиш нуқтасидан белгиланган нуқтагача ташиш (транспортда ташиш) масофаси (километрда ўлчанади).

**Юкларни ташишнинг ўртача масофаси** – ўртача бир тонна юк ташиладиган масофа. Бутун автотранспорт бўйича, алоҳида юклар ва қатнов турлари бўйича юк айланмасини (тонна-километрда) ташилган юклар ҳажмига (тоннада) бўлиш орқали аниқланади.

**Йўловчиларни ташишнинг ўртача масофаси** – ўртача бир йўловчи ташиладиган масофа. У бутун автотранспорт ва қатнов турлари бўйича йўловчи айланмасини (йўловчи-километрда) ташилган йўловчилар сонига бўлиш орқали аниқланади.

**Умумий босиб ўтилган масофа (километр)** – транспорт воситасининг гаражга (тўхташ жойига) қайтиши ва гараждан (тўхташ жойидан) чиқиб кетиши вақтидаги спидометр кўрсаткичлари ўртасидаги бир кунлик фарқни ифодалайди. Умумий босиб ўтилган масофа, ҳисобот даври мобайнида барча фойдаланилаётган автомобилларнинг ҳар кунлик босиб ўтган масофаларини йиғиндиси орқали аниқланади.

**Шаҳардаги ташувлар** – шаҳар ва шаҳарчалар ҳудудидан чиқмаган ҳолда амалга ошириладиган ташувлар.

**Шаҳар атрофидаги ташувлар** – шаҳар ва шаҳарчалар ҳудуди чегарасидан ташқарига эллик километр бўлган масофагача амалга ошириладиган ташувлар.

**Шаҳарлараро ташувлар** – шаҳар ва шаҳарчалар ҳудуди чегарасидан ташқарига эллик километрдан кўпроқ бўлган масофага амалга ошириладиган ташувлар, шунингдек, масофанинг узунлигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг икки ва ундан ортиқ вилоятлари ҳудудида амалга ошириладиган ташувлар.

**Халқаро ташувлар** – масофанинг узунлигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан ташқарига ёки давлат чегарасидан ичкарига амалга ошириладиган ташувлар.

**Йўл-транспорт ҳодисаси** - транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида рўй берган ва унинг иштирокида фуқароларнинг ҳалок бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг шикастланиши ёхуд бошқа моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳодиса.

Амалдаги нархларда **алоқа ва коммуникация хизматларини ишлаб чиқариш** мазкур соҳада хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг даромадлари (сотишдан тушган тушум миқдори) йиғиндиси сифатида аниқланади.

**Мобиль алоқа билан таъминланган абонентлар сони** – мобиль алоқа тизимларига уланган абонент радиостанциялар сони.

**Халқаро ахборот узатиш каналларининг ўтказиш қобилияти** – бир вақтнинг ўзида узатилган ёки қабул қилинган максимал ахборот миқдори бўйича аниқланади.